



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

Ўзбекистон худудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтути ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Обид Мамаюнусович Пардаев XXI асрда шаклланган янги иқтисодиётлар таркибида креатив иқтисодиётнинг принциплари турларининг назарий масалалари	5
Lola Nazarovna Khalikova, Shamsiddin Kiyamiddinovich Yuldashev Theoretical views of social protection	10
Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабаева Касбий компетенцияларнинг синергетик самарадорлиги	13
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Бехруз Шарофиддин ўғли Усмонов Инновацион ёндашувлар орқали инсон ресурсларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари	17
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Инновацион иқтисодиёт шароитида камбағалликни қисқартиришнинг “4ГС моделли”нинг моҳияти ва қўлланилиши	22
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Хайрулла Qilichovich Qarshiboyev Korrelyatsiya va regressiya tahlilini korxonaning iqtisodiy rivojlanishini bashorat qilish usuli	27
Shahnoza Abdirashitovna Po‘latova Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida yashil sertifikatlash va ekologik markirovkalash amaliyotini joriy etishning asosiy yo‘nalishlari	32
Gulzira Ikromali qizi Karimova To‘qimachilik sanoati korxonalarining iqtisodiy salohiyatini “yashillashtirish” orqali oshirish	37
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Зарина Муродовна Мухаммедова, Аллаёр Баротович Шакаров Хизматлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш – давлат макроиқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида	43
Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva Savdo xizmatlarining ahamiyati va rivojlanishi	49
Nodirjon Begaliyevich Ravshanov Ta‘lim xizmatlari bozorida oliy ta‘lim muassasalari raqobatbardoshligini ta‘minlash	52
Dildora Haydarjon qizi Shaymardonova Qishloq joylarda avtoservis xizmatlari ko‘rsatuvchi subyektlar samaradorligini oshirish	57
Бехзод Абдумаджитович Суюнов Турар-жой кўчмас мулк бозорида баҳолаш хизматлари самарадорлигини ошириш	59
Akram Abduraxmonovich Azizqulov, Akbar Norboyevich Alimov Husayn Voiz Koshifiy ilmiy merosida ovqatlanish etiketining talqini	66
Faxriddin Azimovich Djalilov Xizmat ko‘rsatish sohasida innovatsion faoliyatni amalga oshirish omillari	69

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Мурод Мухаммедович Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Зарина Муродовна Мухаммедова – СамИСИ докторанти,

Аллаёр Баротович Шакаров – СамИСИ, доценти, и.ф.н.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ДАВЛАТ МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Аннотация: мақолада хизматлар соҳаси бозорини ва унинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади ҳамда хизматлар соҳасига жалб этилган инвестицион ресурсларнинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини тартибга солиш ва ушбу жараёнларни молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш зарурати, аҳамияти ва асосий йўналишлари ёритилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат томонидан тартибга солиш, инвестиция сиёсати, инвестицион фаолият, инвестицион ресурслар, хизматлар соҳаси тармоқлари, эндоген ва экзоген омиллар.

Кириш. Постиндустриал жамиятни шакллантириш шароитида хизматлар соҳасининг мамлакат макроиқтисодий параметрларини шакллантиришдаги ва аҳоли моддий фаровонлигини юксалтиришдаги роли тобора ошиб бормоқда. Шу сабабли, Ўзбекистонда кенг қўламли иқтисодий ислохотлар доирасида амалга оширилаётган макроиқтисодий сиёсатда, айнан хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга, унинг мамлакат ЯИМ даги, ҳамда иқтисодиётда банд аҳоли сонига улушини Ғарб давлатлари даражасига яқинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар асосий ўринни эгаллайди.

Дунё мамлакатларининг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири – бу соҳа тармоқларида шиддат билан кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, уларни бошқариш, зарурат пайдо бўлганда, унинг таркибидаги хўжалик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида хизматлар ва уларнинг айрим турларига бўлган талаб ва таклиф ўртасида мувозанатни ўрнатиш муаммоси бозор механизмлари (талаб, таклиф, рақобат ва нарх) ёрдамида ҳал этилади. Айни пайтда, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, хизматлар соҳасининг ривожланишида, соҳада кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва бошқаришда, жадал суръатлар билан ривожлантириш муаммосини ҳал этишда давлатнинг роли бекиёс.

О.Н.Зуева, Ю.С.Долгановаларнинг илмий қарашларида бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида хизмат кўрсатиш соҳасини давлат томонидан бошқариш ва қўллаб-қувватлаш тизимининг тамоман ўзгарганлигини, бу туфайли хизматлар соҳасини ривожланишида ижобий натижаларга эришаётганлиги таъкидланган. Давлат амалга ошираётган макроиқтисодий сиёсат доирасида соҳада иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, аҳоли бандлигини тартибга солиш, тармоқ ва ҳудудий тузилмада изчил ўзгаришларни рағбатлантириш, хизматлар сифатини ошириш ва бошқа қатор вазифалар ҳал этилмоқда.¹ Айни пайтда, хизматлар соҳасига жалб этилаётган ресурслар, жумладан инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳа тармоқларининг инвестицион ресурсларга бўлган талабларини қондириш, уларнинг тармоқлар кесимида тақсимланишини оптималлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этишда давлатнинг роли, уни такомиллаштириш зарурлиги ва амалга ошириш йўллари тадқиқотчилар эътибо-

¹ Зуева О.Н., Долганова Ю.С. Государственное регулирование сферы услуг // <https://Downloads/gosudarstvennoe-regulirovanie-sfery-uslug.pdf>

ридан четда қолиб кетган.

Ш.Э.Азаматов ўзининг илмий мақоласида баён этган фикрларига мувофиқ, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни автоматик тарзда бошқариш имкониятининг йўқлиги иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг бевосита аралашувини тақозо этади. Айниқса, фойданинг ижтимоий адолат нуқтаи назаридан тақсимланишида, фуқароларга меҳнат қилиш ҳуқуқининг кафолатланишида, атроф муҳитни муҳофаза қилинишида ва аҳолининг ҳимояланмаган табақаларини қўллаб-қувватлашда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда давлатнинг роли жуда катта, деган ғояни илгари сурган.¹ Бироқ, тадқиқотчи инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уни тармоқлар бўйича тақсимланишида давлатнинг роли масалаларига алоҳида тўхталмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантикий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усулларида самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида бугунги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш муаммоси соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар танқислиги билан, унга жалб этилган иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Бугунги кунда Ўзбекистонда юзага келган иқтисодий вазият соҳага жалб этилган инвестицион ресурсларни тармоқлар бўйича тақсимотини такомиллаштириш асосида улардан фойдаланишда мавжуд камчиликларни бартараф этишни тақозо этади. Ушбу муҳим ишда мавжуд камчиликларнинг бартараф этилиши инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, соҳа зиммасига юклатилган муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш имкониятини ҳам кенгайтиради.

Бизнингча, хизматлар соҳасига жалб этилган инвестицион ресурсларнинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини оптималлаштириш нуқтаи назаридан такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Сабаби, соҳага жалб этилган молиявий ресурсларнинг тармоқлар бўйича таркибий тузилиши, яъни уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши, ялпи инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига кучли таъсир кўрсатади. Чунки, инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги тармоқлар кесимида кескин фарқланади. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги жадвални келтирдик (1-жадвал).

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган ялпи инвестицион ресурслар самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Масалан, савдо хизматлари соҳасида инвестицион ресурслар рентабеллиги жуда юқори бўлиб, ушбу соҳада ҳар бир сўм инвестицион харажатлар 0,46 сўм миқдорда фойда келтиради. Айти пайтда, у яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида 0,20 сўмни, жами хизматлар соҳаси бўйича ўртача 0,10 сўмни ташкил қилган. Таҳлил натижалари транспорт хизматлари соҳасида эса инвестицион ресурсларга қилинган харажатлар ҳатто ўзини ҳам оқламаганлигини, аксинча, ушбу соҳада инвестицияларга сарфлар фойда келтириш ўрнига муайян миқдорда зарар келтирилганлигини (ҳар бир сўм инвестицияга тўғри келадиган зарар 0,03 сўмни ташкил қилган) кўрсатди.

Агар инвестицион ресурслардан юқори фойда келтирадиган савдо, алоқа ва ахборотлаштириш, ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари тармоқларига инвестицияларни қанча кўпайтирсак, аксинча, кам фойда келтирадиган тармоқларга уларни қанча камайтирсак, зарар келтирадиган транспорт хизматлари тармоғига умуман инвестиция киритмасак, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган инвестицион ресурслар самарадор-

¹ Азаматов Ш.Э. Хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ва ушбу соҳани ривожлантириш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016 йил.

1-жадвал

2022 йилда Ўзбекистонда Хизмат кўрсатиш соҳаси инвестицион ресурсларининг тармоқлар бўйича таркибий тузилиши¹

№	Хизматлар кўрсатиш соҳаси тармоқлари	Тармоқдаги инвестициялар		Фойда		1 сўм инвестицияга тўғри келадиган фойда, сўмда
		миқдори, млрд. сўм	улуши, % да	миқдори, млрд. сўм	улуши, % да	
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш	6 867,8	7,5	3 029,0	32,3	0,44
2.	Молиявий хизматлар	3 240,9	3,6	х	х	х
3.	Транспорт хизматлари	20 598,6	22,6	- 626,7	- 6,7	- 0,03
4.	Яшаш ва овқатланиш хизматлари	2 129,2	2,3	435,5	4,7	0,20
5.	Савдо хизматлари	11 589,5	12,7	5 324,2	56,9	0,46
6.	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	5 294,2	5,8	234,8	2,5	0,04
7.	Таълим соҳасидаги хизматлар	7 854,3	8,6	567,1	6,1	0,07
8.	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	10 798,0	11,9	321,5	3,4	0,03
9.	Ижара хизматлари	608,5	0,7	х	х	х
10.	Компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	498,9	0,5	х	х	х
11.	Шахсий хизматлар	1 599,3	1,8	х	х	х
12.	Меъморчилик, муҳандислик ишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	3 775,1	4,1	х	х	х
13.	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	4 350,4	4,8	х	х	х
14.	Бошқа хизматлар	11 972,6	13,1	71,3	0,8	0,22
	Хизматлар - жами	91 177,3	100,0	9 356,7	100,0	0,10

лиги шунча юқори бўлади. Демак, хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилган ялпи инвестицион ресурслар мутлақ миқдорини ўзгартирмаган ҳолда, уларнинг самарадорлигини фақат ялпи инвестицияларни тақсимлаш механизмини ўзгартириш ҳисобидан кескин ошириш имкониятлари мавжуд.

Лекин, бу йўл билан қўлга киритилган самарадорлик мамлакатда давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатга тамоман зид бўлиб, жамият манфаатларига мос келмайди. Давлат ўзининг макроиктисодий сиёсатида соҳага йўналтирилган ялпи инвестицион ресурсларни соҳа тармоқлари бўйича тақсимлаганда, инвестицион ресурсларнинг самарадорлигини эмас, балки тармоқнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётида тутган ўрнини, аҳамиятини ва истикболда уни ривожлантириш заруратини асос қилиб олади. Масалан, зарар билан фаолият юритаётган транспорт хизматлари соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2022 йилда 20 598,6 млрд. сўмни ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

этган. Миқдор жиҳатидан бу мазкур йилда таълим хизматлари тармоғига йўналтирилган инвестициялар ҳажмига (7 854,3 млрд. сўм) нисбатан 2,6 мартага кўп бўлган. Сабаби бунда давлат соҳага йўналтирилган инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан эмас, балки жамият манфаатларидан, яъни миллий иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисининг, Ўзбекистонга ташриф буюрган туристларнинг транспорт хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш заруратидан келиб чиққан ҳолда, ёндашади.

Ҳар қандай давлат ўз иқтисодиётини ташкил этиш ва ҳаракатга келтириш учун, тегишли транспорт тизимини шакллантиради, унинг самарали амал қилишини қаттиқ назорат остига олади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва улар доирасида қабул қилинаётган давлат дастурларида ҳам республикамизнинг айнан транспорт соҳасини ривожлантириш, ҳамда мамлакатнинг транзит салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йилнинг июнь ойида “Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” махсус Фармон чиқариб, мамлакатда транспорт хизматларини тубдан ислох қилиш вазифасини қўйди.¹ Чунки, транспортнинг фаол иштирокисиз иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш, иқтисодий ресурсларнинг барқарор ва узлуксиз ҳаракатини таъминлаш каби ўта долзарб муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди.

Транспорт хизматларига иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, фойда ўрнига зарар келтираётган ушбу тармоққа йўналтирилган инвестицион ресурслар ҳажми (20 598,6 млрд. сўм) жуда юкори даромад келтираётган алоқа ва ахборотлаштириш тармоғига йўналтирилган инвестицион ресурслар ҳажмига (6 867,8 млрд. сўм) нисбатан 3,0 марта, савдо билан боғлиқ хизматларга сарфланган инвестицион ресурслар ҳажмига (11 589,5 млрд. сўм) нисбатан эса 1,8 марта кўп. Бу давлатнинг миллий иқтисодиётда мувозанатни ва тармоқлараро мутаносибликни сақлашга қаратилган макроиқтисодий сиёсатининг амалий натижасидир.

Модомики, ҳеч қандай эндоген ва экзоген омилларнинг таъсирисиз, фақат инвестицион ресурсларни тармоқлар ўртасида тақсимланиш нисбатини ўзгартириш асосида ҳам инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёки, аксинча, пасайтириш мумкин экан, давлат ушбу инвестицион ресурсларнинг макроиқтисодий, умуммиллий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, оқилона тақсимланишини қаттиқ назорат остига олиши зарур. Шу билан бир қаторда, турли восита ва методларни қўллаш асосида уни тартибга солиши, вазият тақозо этганда, молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини қўллаш асосида, унинг нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам самарадор бўлишига эришмоғи лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида мамлакат ЯИМни ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришда, уларнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда фаол иштирок этади. Соҳа фаолиятини тартибга солишда давлатнинг турли воситалар ёрдамида таъсир кўрсатиши миллий иқтисодиёт барча соҳа ва тармоқлари ўртасида макроиқтисодий мутаносиблик ўрнатиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, соҳа тармоқларини тез суръатлар билан ва барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасини тартибга солиш борасидаги давлат макроиқтисодий сиёсати амалдаги моделининг таҳлили, ушбу сиёсатнинг соҳани устун ривожлантиришга қаратилганлигини кўрсатди. Кейинги йилларда кетма-кет Президент қарорлари ва фармонларининг қабул қилиниши айнан шундан далолат беради.

Давлат хизматлар соҳасининг инвестицион ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда, унинг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштиришда,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида транспорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-94-сонли Фармони. 2023 йил 14 июнь // <https://lex.uz>

тармоқлараро самарали, оптимал мутаносибликни ўрнатишда фаол иштирок этади. Айниқса, соҳага жалб этилган иқтисодий ресурслардан, жумладан инвестицион ресурслардан, фойдаланиш самарадорлигини оширишда давлат муҳим роль ўйнайди. Чунки у мамлакатда юзага келган вазиятга мувофиқ ўз ихтиёридаги маъмурий ва иқтисодий дастаклар воситасида инвестицион ресурсларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланиш жараёнларига кучли таъсир кўрсатиш, уларни тартибга солиш имкониятига эга. Лекин, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш самарадорлиги бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Бизнингча, давлат хизматлар соҳаси алоҳида тармоқларини устун ривожлантириш, хизмат кўрсатишда минтақалараро табақаланиш даражасини пасайтириш, пуллик ва бепул хизматлар нисбатини оқилонлаштириш каби муҳим муаммоларни ҳал қилишда бюджет маблағлари ҳисобидан хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсатини янада такомиллаштириш керак. Айниқса, бугунги кунда давлат эътиборидан четда қолиб кетаётган хизматларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол қилишда қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги мавжуд кескин тафовутларни қисқартириш масалалари давлат макроиқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирини эгаллаши мақсадга мувофиқ.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш асосида унинг мамлакат ЯИМни шакллантиришдаги ролини ошириш, соҳада яратиладиган ЯИМ ҳажмининг улуши билан ривожланган давлатлар кўрсаткичлари ўртасида мавжуд кескин тафовутларни қисқартириш давлат макроиқтисодий сиёсатини амалга оширишда инвестициялар асосий роль ўйнайди. Шу сабабли, давлат инвестиция фаолиятини тартибга солишда барча ҳуқуқий, маъмурий ва иқтисодий чораларнинг имкониятларини кўшиш асосида, улардан унумли фойдаланишга эришиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Инвестицион ресурслар танқислиги шароитида асосий капиталга харажатларни минималлаштириш ва айти пайтда улардан олинадиган натижаларни максималлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, инвестицион ресурслар самарадорлигини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, мавжуд захира ва имкониятларни баҳолаш зарур.

Бизнингча, давлатнинг макродаражада хизматлар соҳаси корхона ва ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларининг самарадорлигини баҳолашда ўзига хос фарқли жиҳатлари бор. Микродаражада хусусий капитал самарадорлигининг асосий мезони – бу корхона фойдасини максималлаштириш, рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, айланма маблағлар айланиш тезлигини ошириш кабилар ҳисобланади. Бундан фарқли ўлароқ, макродаражада давлатнинг сарф-харажатлари самарадорлигида демографик, сиёсий, ижтимоий омиллар ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Шу сабабли, жамият, давлат нуқтаи назаридан соҳага йўналтирилган инвестицион сарф-харажатлардан олинадиган фойда миқдори иккинчи даражали аҳамият касб этади, деган хулосага келдик.

Айниқса, ижтимоий омиллар давлат сарф-харажатларининг самарадорлигини баҳолашда етакчи аҳамиятга эга. Чунки, давлат макроиқтисодий сиёсатининг муҳим функцияларидан бири – аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, унинг турмуш даражасини ва сифатини юксалтиришдан иборат.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат халқ манфаатларининг асосий ҳимоячиси сифатида хизматлар соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражаси аҳоли фаровонлигини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Назарий тадқиқотлар натижасида давлат ўзининг хизматлар соҳасида амалга ошираётган макроиқтисодий сиёсати ёрдамида мазкур соҳада кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга икки йўналишда таъсир кўрсатаётганлигини аниқладик. Биринчиси – жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, соҳада кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш. Иккинчиси – соҳа ва унинг тармоқларига йўналтирилган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Ҳар иккала йўналиш бир мақсадга эришиш учун хизмат қилади. Бу мақсаднинг моҳияти – давлат ҳокимияти органларининг хизматлар бозорининг ҳолати ва ривожланиш суръатларига турли ижтимоий, маъмурий ва бошқа усуллар ёрдамида кучли таъсир кўрсатиш, унинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш ва бунинг оқибатида истеъмолчиларнинг барча хизмат турларига бўлган талабларини қондиришга эришишдан иборат.

Тадқиқотлар давлатнинг кейинги йилларда хизматлар соҳасига давлат бюджети ҳисобидан инвестициялар ажратиш борасида кескин ўзгаришлар рўй берганлигини кўрсатди.

Таҳлиллар натижасида мамлакат иқтисодий тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатган коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларига қарамасдан, давлат томонидан изчил амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар хизмат кўрсатиш соҳасига инқирознинг негатив таъсирини минималлаштириш имконини берди, деган хулосага келдик. Чунки, 2023 йилда мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 470 286,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бу прогноз кўрсаткичларига нисбатан атиги 2,5 фоизга ёки 11 901,0 млрд. сўмга кам.¹

Тармоқлар кесимида яратилган ЯИМ ҳажми 2021-2023 йилларга прогноз қилинган мақсадли параметрлар билан амалда эришилган ҳақиқий кўрсаткичлар ўртасида кўп ҳолларда мос келмаганлигини кузатиш мумкин. Фақат айрим ҳолларда амалда эришилган даража прогноз кўрсаткичларидан бир оз паст бўлган. Масалан, савдо хизматлари, меъморчилик, муҳандислик ишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар каби тармоқларда ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича белгиланган мақсадга эришилган. Айни пайтда, таълим соҳасидаги хизматлар, компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар, шахсий хизматлар, бошқа айрим хизмат кўрсатиш тармоқларига нисбатан анча юқори бўлган. Айниқса, яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида ЯИМ ишлаб чиқаришда катта ижобий натижага эришилган. Ушбу соҳада 2023 йилда 15 829,2 млрд. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқариш башорат қилинган эди. Лекин ҳақиқатда ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми 18 327,3 млрд. сўмни ташкил этди, нисбий кўрсаткичларда ифодалганда бу 15,8 фоизга тенг.

Бизнингча, яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида рўй берган ушбу иқтисодий воқелик 2022,² айниқса, 2023 йилларда мамлакатимизга кирувчи туристлар сонининг кескин кўпайиши билан изоҳланади.³ Расмий статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижлик туристлар сони 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2,9 фоизга, 2023 йилда эса 2022 йилга нисбатан 1,3 фоизга ўсган.⁴ Бу эса яшаш ва овқатланиш хизматларига талабнинг кескин кўпайишига сабаб бўлган.

Бугунги кунда Ўзбекистон турли объектив ва субъектив омилларнинг кучли таъсири остида, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги улкан имкониятларидан, салоҳиятидан фойдалана олмаяпти. 2023 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 43,3 фоизни ташкил этди.⁵ Айни пайтда, расмий маълумотларга мувофиқ, ушбу кўрсаткич АҚШда 81,7 фоизни,⁶ Японияда 71,4 фоизни, Россияда 54,0 фоизни, Хитойда 52,8 фоизни, кўшни Қозоғистонда 52,6 фоизни ташкил этган.⁷

Таҳлил натижалари давлатнинг макроиқтисодий сиёсати ана шу кескин тафовутларни имкон қадар қисқартиришга қаратилганлигини кўрсатди. Бизнингча, бунинг учун хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, соҳада яратилаётган ЯИМ ҳажмининг мамлакат ЯИМдаги улушини оширишнинг методологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли Қарорига 11-илова. 2022 йил 27 январь // <https://lex.uz>

² Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 3 бараварга ошди // <https://sputniknews.uz/>

³ Ўзбекистонга 2023 йилда 7 миллионга яқин турист келди // <https://hudud24.uz/>

⁴ 2021 йилда Ўзбекистонга 1,8 млн. Турист ташриф буюрган // <https://uzreport.news/society/2021-yilda-ozbekistonga-1-8-mln-turist-tashrif-buyurgan>.

⁵ Какая доля сферы услуг в отраслевой структуре ВВП за 2023 год? // <https://stat.uz/ru/press>

⁶ Услуги США 1970-2023 // <https://be5.biz/makroekonomika/service/us.html>

⁷ Доля сферы услуг – Классация стран // https://ru.theglobeconomy.com/rankings/Share_of_services/

муаммолари ҳал этилиши, белгиланган мақсадга эришишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши лозим. 2020 йилнинг 16 июнида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солиш унинг методологияси ва статистикасини халқаро андозаларга келтириш вазифасини кўйди.¹

Хулоса ва таклифлар. Янги Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш асосида ушбу йўналишда ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан мавжуд бўлган кескин тафовутларни қисқартириш объектив заруратга айланди. Ушбу аснода хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилган инвестицион ресурслар ҳажмини кўпайтириш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари долзарб аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари хизматлар соҳасига жалб этилган инвестицион ресурсларни соҳа тармоқлари бўйича тақсимланишида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатди. Лекин ушбу муҳим ишда ҳали ишга туширилмаган имкониятлар кўп. Бизнингча, хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини шакллантириш борасидаги давлат макроиктисодий сиёсатида инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи асосий роль ўйнамоғи лозим. Айти пайтда, микродаражада инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда, макродаражада эса ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим. Шу сабабли, ушбу мақсадга эришишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур.

<p style="text-align: center;">М.Мухаммедов, З.Мухаммедова, А.Шакарров</p> <p style="text-align: center;">Государственное регулирование и поддержка сферы услуг как важное направление макроэкономической политики государства</p> <p>Аннотация: в статье раскрывается цель, значение и основные направления государственного регулирования и поддержки рынка сферы услуг, а также особенности распределения инвестиционных ресурсов по её отраслям с учётом роли той или иной отрасли в макроэкономическом развитии страны.</p> <p>Ключевые слова: сфера услуг, государственное регулирование, инвестиционная политика, инвестиционная деятельность, инвестиционные ресурсы, отрасли сферы услуг, эндогенные и экзогенные факторы.</p>	<p style="text-align: center;">M.Mukhammedov, Z.Mukhammedova, A.Shakarov</p> <p style="text-align: center;">State regulation and support of the service sector as an important direction of the state macroeconomic policy</p> <p>Abstract: the article reveals the main goal of state regulation of the service sector market and its structure by industry, as well as the need to regulate the structure of investment resources of the service sector by industry and emphasizes the need to implement a policy of financial support for these processes.</p> <p>Keywords: service sector, government regulation, investment policy, investment activity, investment resources, service sector networks, endogenous and exogenous factors.</p>
---	--

Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva – Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti assistenti,

SAVDO XIZMATLARINING AHAMIYATI VA RIVOJLANISHI.

Annotatsiya: Maqolada savdo xizmatlarining ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati, uning keyingi yillardagi muntazam ravishda ko‘payishi sabablari, savdo xizmatidagi kamchiliklar va ularni yo‘qotish yo‘llari bayon qilingan.

Kalit so‘zlar: Savdo xizmatlari, savdo shaxobchalari, ayirboshlash, iste‘mol, tovarlar, savdo hajmi, rivojlanish sabablari.

Kirish. Savdo xizmatlari ishlab chiqarilgan tayyor mahsulotlarini xaridorlarga yetkazish, kengaytirilgan takror ishlab chiqarish jarayonlarining davomiyligini ta‘minlashda muhim

¹ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор // <https://raqobat.gov.uz/uzb/prezident-shavkat-mirziyoev-raisliligida-bolib-otgan-videosелектор/>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.